ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 154 (6015).

9 АВГУСТ СЕШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ДЕҲҚОН МЕҲНАТИНИНГ НАШИДАСИ

ШУ КУНЛАРДА далаларимиз янада серфайз ва янада сермаҳсул. Деҳқон меҳрига тўйган, унинг эъзозидан баҳраманд бўлган бепоён пахтазорларда бўлиқ кўсаклар ҳа демай олтин дурдона бўлиб кўзни қамаштиради. Боғларимиз саҳовати, ажиб ҳусни, бир-биридан ширин-шакар мевалари қалбларга беҳад завқ, шавқ бахш этади. Азамат сабзавотчиларнинг пешона тери билан етиштирилган ноз-неъматлар эл-юртимиз дастурхонини гулдек безамоқда.

Ҳар бир касб эгаси ўз меҳнат маҳсулидан, кунларни тунларга улаб, қийинчиликлар ва оғирликларни енгиб, аниқ мақсад сари олға бориб, Ватан бойлиги, халқ фаровонлиги йўлида қилаётган меҳнатидан қанчалик мамнун бўлса, коммунистик мўл-кўлчилик бунёд этаётган қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳам деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш соҳасида йил бўйи қилган меҳнатларининг илк самараларини кўриб беҳад хурсанд бўлмоқдалар.

Юбилей йилининг ҳар куни янги зафарлар билан нишонланмоқда. Далаларда олинган социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл пахта ҳосили етиштирилмоқда. Қардош Озарбайжон, Тожикистон ва Туркманистон пахтакорларининг вакиллари ўзбекистонлик ҳамкасбларининг бу йилги шароитда об-ҳаво қийинчиликларини енгиб, улкан хирмон йўлида қилаётган ишларидан ғоят мамнун бўлдилар ва шу билан бирга қимматли маслаҳатлар бердилар. Қуйи Чирчиқ, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Оққўрғон ва бошқа районларнинг илғор хўжаликларида ҳар тупда 10—12 тадан бўлиқ, кўсак санош мумкин. Деҳқон ғўза қатор оралари бўйлаб юрар экан, бири-биридан бўлиқ, бири-биридан серҳосил кўсакларни чамалаб, юбилей йили хирмонининг 50 центнерлик ва ундан ошиқ маррасини мўлжалламоқда.

Далаларда иш қизғин. Кўпни кўрган, катта тажриба орттирган, бутун умри пахтачиликда ўтган миршкор деҳқонларимиз ҳар бир ишни сабот-матонат, ақл-идрок билан олиб бормоқда. Августнинг ҳар бир куни ҳосил тўплашда жуда муҳим давр эканлигини тушунган колхозчилар ва совхоз ишчилари керак жойларга ишлов бермоқда, суғориб, озиқлантирмоқда, чеканкани тамомлаб, бирон тупнинг ҳам чаноқ қолмаслиги учун эртаю-кеч пайкалда, кўчатлар ёнида парвона.

Деҳқончиликда ғоят масъулиятли дамлар бошланмоқда. Пахта йиғим-теримига ҳамма нарсани шай қилиб қўйиш керак. Юбилей йилида план ва социалистик мажбуриятларни қисқа муддатларда бажариш лозим. Тошкентлик маккажўхоринқорлар ҳар гектар ердан 100 центнердан ҳосил олишнинг ташаббускорлари бўлиб майдонга чиқдилар. Чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратишимиз лозим. Пойтахт области сабзавоткорлари шаҳар меҳнаткашларини бутун йил бўйи сабзавот маҳсулотлари билан тўла таъминлашлари керак. Ҳадемай шоли ўрими бошланади. Кўриб турибсизки, деҳқон йилнинг сўнгги ойлари ана шундай тиғиз, ҳамма ишларни бир-бири билан боғлаб олиб борши керак. Бу эса район партия ва совет ҳамда хўжалик ташкилотларидан, колхоз, совхоз раҳбарларидан ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларидан жуда катта масъулият, маҳорат, ташкилотчилик кўрсатиб, оқилона иш олиб боришни талаб этади.

Оқ олтин районининг деққонлари, шунингдек областимизнинг Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон ва бошқа районларнинг механизаторлари, колхозчи ва совхоз ишчилари етиштирилаётган пахта ҳосилининг 80—90 процентини машиналарда, ёрдамчиларсиз йиғиб-териб олиш юзасидан ажойиб ташаббус кўрсатдилар. Областимизнинг кўпчилик районлари колхоз ва совхозларида ҳосилнинг деярлик ҳаммаси машиналар билан терив олинмоқда. Техника ихлосмандлари, ташаббускор механизаторлар юбилей йилида ҳам янги ташаббус билан майдонга чиқдилар. Вазифа шундан иборатки, бу ташаббусларни илғорларнинг оммавий ҳаракатига айлантиришдир. Ҳар бир хўжаликда терим машиналари ва агрегатларнинг мавсумга қандай тайёр эканлигини қайта-қайта кўздан кечиришлик. Йўл, кўприклар, транспорт воситалари, тош-тарозилар, хирмон жойлари, пахта пунктларини ва заводларни янги ҳосилни қабул қилиб олишга тўла шай бўлсин.

Партия ташкилотлари илғор хўжаликлар ва механизаторларнинг ватанпарварлик ҳаракатларига юксак эътибор беришлари, уларни кенг оммалаштириб, ҳар бир хўжаликда, бригада ва бўлимда меҳнат кўтаринкилигини юксалтириб, партиявий-сиёсий, оммавий-ташкилий ишларнинг бутун тармоғини янада такомиллаштириб ва ривожлантириб боришлари лозим.

Жойларда ўтказилган текшириш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, баъзи хўжаликлар ва уларнинг раҳбарлари август кирди, эрта-индин терим бошланиб кетади, деган кайфиятга берилиб, ривожланишда орқада қолаётган гектарларни қўшимча парваришлаш қилиш ва ишлов бериш, уларни серҳосил қилиб ўстиришга етарли эътибор бермаяптилар. Ўт босган пайкаллар ҳам йўқ эмас. Кўп ерларда культивация, озиқлантириш ва суғоришни давом эттириш лозим. Агрегатларнинг ремонти, уларнинг мавсумга тайёргарлиги жиддий текширилмаган, механик-ҳайдовчиларнинг ўқувида ва таълим олишида камчиликлар бор. Хирмон жойлар асфальт қилинмаган.

Область партия комитети колхоз ва совхоз раҳбарларн ҳамда партия ташкилотлари эътиборини дала меҳнаткашларига намунали маданий-маиший хизмат кўрсатишга қаратиб келмоқда. Бу соҳада кўпгина тадбирлар кўрилди. Иғим-терим ишлари бошланиб кетадиган кунлар яқин. Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари йиғим-терим даврида колхозчилар, совхоз ишчилари ва механизаторларга намунали хизмат кўрсатиш учун барча чора ва тадбирларни ҳозирдан амалга оширишлари керак.

Юбилей йилида олдимизда улкан ва масъулиятли ишлар турганини унутмайлик. Бунинг учун бутун куч ва ғайратимизни, тажриба ва маҳоратимизни сафарбар этайлик. КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади, СССР Конституцияси янги лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси барча совет кишилари сингари областимиз меҳнаткашларининг ҳам сиёсий активлигини янада оширб, янги истиқболларга руҳлантириб юборди. Ҳар бир меҳнаткашнинг қалби-дили Улуғ Октябрининг 60 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш иштиёқи билан яшнамоқда. Ойлик ва квартал планларнинг ошиғи билан бажарилаётганлиги, элимизга кўплаб деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб берилаётганлиги ҳақида келаётган қувончли хабарлар она-Ватанга, жонажон партия ва ҳукуматимизга садоқат ва муҳаббатимизни янада юксалтириб юборади. Коммунистик партиянинг илҳомбахш, олға томон сафарбар этувчи план ва тадбирлари, раҳнамолик қудрати совет кишиларига ҳамиша битмас-туганмас куч-ғайрат ва қанот бахш этади.



Тошкентдаги бадиий буюмлар фабрикасининг коллективи Октяброльди мусобақасини тобора авж олдирмоқда. Бу пешқадам корхонада шахсий беш йиллик топшириғини 3,5—4 йилда бажариш мажбуриятини олиб ишлаётган зарбдорлар сони тобора ортиб боряпти. Улар зиммага олинган мажбуриятни ўз вақтида шараф билан адо этиш учун барча имкониятларни ишга солишмоқда. Бундай илғор чеварларнинг қўлидан чиқаётган турли маҳсулотларнинг сифати ҳам юқори бўлмоқда. Суратда: ана шундай илғор ёшлардан Муқаддам Мирсоатова ва Муфаррах Тўлаганова. Улар кунлик топшириқларини мунтазам 1,5—2 баробарга етказиб бажаришяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ХАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЛ 8 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

	Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан буён.	
Калинин	0,1	100,7
Пискент	1,6	97,9
Оржоникидзе	0,4	95,8
Оҳангарон	0,7	91,0
Бекобод	0,4	89,0
Тошкент	—	87,6
Оққўрғон	0,1	85,2
Қуйи Чирчиқ	—	84,8
Бўка	0,3	84,7
Чиноз	—	84,5
Юқори Чирчиқ	0,3	82,8
Ўрта Чирчиқ	—	81,5
Янгийўл	0,1	75,5
Бўстонлиқ	0,3	71,3
Область бўйича:	0,3	88,0

ИХТИСОСЛАШГАН ФЕРМА

КЕЛЕС, [«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан]. Янги йилдан бошлаб Тошкент районидаги Собир Раҳимов номли колхоз фермаси ихтисослаштирилди. Хўжалик чорвадорлари асосан район хўжаликларига зотли моллар етиштириб бериш билан шуғулланадиган бўлдилар. Ҳозир 20 кунлик бузоқлар сотиб олиниб, боқиляпти.

Зотли бузоқлар етиштиришни намунали ташкил қилишга маҳаллий партия, совет, хўжалик ташкилотлари яқиндан ёрдам беришяпти. Ферма мутахассислар билан мустаҳкамланаётир. Натижада боқилаётган ёш бузоқлар соғлом ўсиб, тез семирмоқда. Ҳозир боқилаётган 336 бош бузоқ бир кеча-кундузда 500 граммгача семиряпти.

Хўжаликдаги сигирлардан бузоқ олиш ярим йиллик плани 128 процент адо этди. Чорвадорлар қисқа вақт ичида 95 тонна сут соғиб топширдилар.

— Чорвадорларимиз,—дейди колхоз раиси Қўчқор Латипов, — маҳсулот етиштиришни тўхтовсиз кўпайтириш билан бир қаторда қишловга ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Айниқса, озуқа тайёрлашга эътибор кучайтирилди. Ҳозирга қадар 2 минг тоннага яқин сенаж, 400 тоннадан ортиқ беда, 100 тонна сомон, 200 тонна табиий пичан жамғарилиб, ғарамлаб қўйилди. Маккажўхори, хашаки лавлаги каби озуқабоп экинларни парвариш қилиб, улардан ҳам мўл озуқа тайёрлаймиз. 3600 тонна силос бостиришга ахд қилдик. Қишловга етарли озуқа тайёрлашда коммунистлар, комсомоллар, идора ходимлари ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Л. И. БРЕЖНЕВ БИЛАН Н. ЧАУШЕСКУНИНГ ДЎСТОНА УЧРАШУВИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 5 август куни Қримда РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску билан учрашди.

Л. И. Брежнев билан Н. Чаушеску ўртоқлар КПСС XXV съезди ҳамда РКП XI съезди қарорлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида, ҳозирги вақтда ҳар иккала партиянинг диққат марказида турган масалалар ҳақида бир-бирларига ахборот бердилар. Социалистик мамлакатлар Улуғ Октябрининг 60 йиллигини ҳаётнинг барча соҳаларида катта-катта ютуқлар билан кутиб олаётганликлари таъкидланди.

Учрашув қатнашчилари Л. И. Брежневнинг 1976 йил ноябрида Руминия Социалистик Республикасига қилган визити вақтида эришилган аҳдлашувлар қандай амалга оширилаётганлигини кўриб чиқиб, КПСС билан РКП ўртасидаги алоқаларнинг, барча асосий йўналишларда Совет—Руминия ҳамкорлигининг ривожидан мамнуният изҳор қилдилар. СССР билан Руминия ўртасидаги ўзаро фойдали алоқаларни бундан буён ҳам чуқурлаштиришга, жумладан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши йўли билан кўриладиган умумий тадбирлар билан қалин алоқалар иккала мамлакатнинг ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш истиқболини белгилаб олишга иккала томоннинг интилаётганлиги изҳор қилинди.

Халқаро ҳаётга доир масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. Бунда шу нарса таъкидландики, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг 1976 йил ноябрида ўтказилган Бухарест кенгашининг Декларациясида баён қилинган ғоялар ва конкрет таклифлар ўз аҳамиятини тўла сақлаб қолмоқда, бу ғоя ва таклифларнинг амалга оширилиши қуролсизланиш, Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш ишини анча олға силжита олган бўлур эди. Умумевропа кенгашида қатнашган давлатлар вакилларининг Белград учрашуви қитъа мамлакатларининг ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кучайтиришга ўз ҳиссасини қўшади, деган умид ҳам изҳор қилинди.

Л. И. Брежнев билан Н. Чаушеску ўртоқлар халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг баъзи масалалари хусусида фикрлашиб олдилар.

Учрашув самимий, дўстона вазиятда ўтди.

Учрашувда Совет томонидан — КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, Руминия томонидан — РКП Марказий Комитетининг секретари Ш. Андрей, РКП Бош секретарининг ёрдамчиси К. Митя иштирок этдилар.

(ТАСС).

ЎРТОҚ ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВГА

Азиз Леонид Ильич!

Биз, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш ва электрлаштириш хўжаликлараро бирлашмаларининг ходимлари Сизнинг кузги экин майдонларини кенгайтириш ҳақидаги кўрсатмаларингизни, КПСС Марказий Комитетининг йўл-йўриқларини бажара бориб, Молдавия колхозчилари ва совхоз ишчилари билан биргаликда шу йил ҳосил йиғиштириш учун кузги буғдой майдонларини 180 минг гектар кўпайтирдик ва Улуғ Октябрининг 60 йиллиги нишонланадиган йилда ҳар гектар ердан 39,2 центнер буғдой етиштирдик. Бу эса ана шу қимматли экиннинг ялпи ҳосилини икки баравар кўпайтириш имконини берди. Умуман олганда бошоқли дон экинлари майдони 215 минг гектар кенгайтирилди ва ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 36 центнердан дон олинди.

36 райондан 20 тасининг механизаторлари гектар бошига 40 центнердан кўпроқ буғдой ҳосили олинишини таъминладилар, Унген, Фалешти, Глодян ва Криулян районларида эса ҳар гектар ердан 46-50 центнер ҳосил кўтарилди. Бир канча хўжаликлар гектар бошига 60-65 центнер буғдой етиштиришга муваффақ бўлдилар.

Биз ўрим-йиғимни комплекс отрядлар билан 12-14 ин кунида тамомладик. Бу отрядлар бир вақт ичида донни йиғиштириб олиб, похолни ғарам қилдилар, эрганк ва минерал ўғитларни чиқариб солдилар, анғизни тозаладилар ва шудгорлаб қўйдилар. Ҳозирги кунгача дони йиғиштириб олинган майдонларнинг ярми келгуси йилда ҳосил кўтариш учун ҳайдаб қўйилди.

30 дан зиёд экипаж ҳар комбайнда бир минг тоннадан зиёд дон янчиб олди. Кагул район бирлашмасидаги ака-ука Николай ва Иван Дерменжилар эса 1361 тоннадан, Лазо бирлашмасида комбайнчилардан ака-ука Константин ва Борис Журминскийлар 1210 тоннадан дон янчиб олди.

Григориополь хўжаликлараро бирлашмасининг Лидия Гаврилова ва Татьяна Факира бошлиқ комсомол экипажларининг ҳар бири қарийб 1000 тоннадан дон янчиб олди.

Молдавиянинг ҳамма колхоз ва совхозлари кечки дон экинларидан ташқари давлатга ғалла сотиш планларини тўла ва оширб бажардилар, зарур уруғлик, озиқ-овқат ва эҳтиёт фондларини жамғариб қўйдилар. Давлатга юқори сортли буғдой пландa мўлжалланган 19 миллион пуд ўрнига 26 миллион пуддан зиёд сотилди. Маккажўхоридан ташқари, озуқа дон экинлари ўтган йилдагига нисбатан уч баравар кўп тайёрланди.

КПССнинг аграр сиёсати ва қадрдон Леонид Ильич, Сизнинг қишлоқ эҳтиёжларини қондириш тўғрисидаги доимий ғамхўрлигингиз туфайли қишлоқ хўжалигида вужудга келтирилган жуда катта имкониятлар натижасида ана шундай ҳосилдорликка ва кузги дон экинлари ялпи ҳосилини анча кўпайтиришга эришилди. Биз ишчилар синфининг, фаннинг, партия ва совет органларининг бераётган бебаҳо ёрдами туфайли ҳам ана шу муваффақиятларни қўлга киритдик.

Жонажон Коммунистик партиянинг ҳаётбахш сиёсати СССР янги Конституциясида акс эттирилди. Молдавия халқи бу Конституцияни тўла-тўкис маъқуллашмоқда ва қўллаб-қувватламоқда. Биз, механизациялаш хўжаликлараро бирлашмаларининг ходимлари СССР янги Конституциясидан илҳомланиб, колхозчилар ва совхоз ишчилари билан мустаҳкам ҳамкорликда донли экинлар майдонини янада кенгайтириш, уларни етиштириш агротехникасини ошириш ва бу экинлардан юқори ҳосил олинишини таъминлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Азиз Леонид Ильич, деҳқончиликни ташкил этишни ва унинг технологиясини такомиллаштира бориб, ишлаб чиқаришнинг техникавий воситаларидан, ўғитлардан, суғориладиган ерлардан, фан ютуқлари, илғор агротехникадан кўпроқ фойдаланиш учун қунт билан кураш олиб борамиз ва ўнинчи беш йилликнинг навбатдаги, учинчи йилида дон етиштириш ва тайёрлашни янада кўпайтиришга эришамиз, деб Сизга ваъда берамиз.

Сизга чин кўнгилдан сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат ва севикли Ватанимизни яшнатиш, ер юзида тинчлик ва бахт-саодат манфаатларини кўзлаб хормай-толмай қилаётган ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Бу мактуб Молдавия ССР Колхозлар кенгаши механизациялаш ва электрлаштириш хўжаликлараро бирлашмалари комплекс отрядларида тузиб чиқилиб, қабул қилинган.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети 1 августгача давлатга сабзавот, картошка ва мева сотиш юзасидан область районлари, совхозлари ва колхозлари ўртасида ўтказилган социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб, қарор қилдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бўстонлиқ районига** (район партия комитетининг секретари М. Кунов, район ижроия комитетининг раиси А. Айдарқулов, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи З. Саидкаримов, район комсомол комитетининг секретари М. Норметова, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов органлари ишчи-хизматчилари касаба союзи район комитетининг раиси Ш. Норпўлатов, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори П. Жуманов ўртоқлар) берилди. Район меҳнаткашлари давлатга сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик планини 31,9 процент, картошка сотиш планини 57,0 процент, ҳўл мева сотиш планини 72,3 процент бажариб, июль ойининг сўнгги ўн кунлигида йиллик планга нисбатан сабзавот етиштиришда 7,9 процент, картошка етиштиришда 11,8 процент, ҳўл мева етиштиришда 23,4 процент ўсишга эришдилар.

Байроқ Янгийўл районидан олиб берилади.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасига** (бирлашма бош директори Ж. Хоназаров, партия комитети секретарининг ўринбосари Р. Минибоева, ишчилар комитетининг раиси М. Худоёров, бош агроном А. Аҳмаджонов ўртоқлар) берилди. Бирлашма коллективи июль ойининг учинчи ўн кунлигида йиллик планга нисбатан сабзавот етиштиришда 16,8 процент, ҳўл мева етиштиришда 28,1 процент ўсишга эришди ва давлатга сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик планини 58,9 процент, ҳўл мева сотиш планини 108,5 процент қилиб адо этди.

Байроқ Оҳангарон районидаги «Олмалиқ» совхозидан олиб берилади.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Калинин районидаги «Москва» колхозига** (раиси Қ. Абдуллаев, партия комитетининг секретари К. Ҳикматов, бош агроном Т. Усмонов ўртоқлар) берилди. Колхоз меҳнаткашлари давлатга сабзавот маҳсулотлари сотиш йиллик планини 83,6 процент, ҳўл мева сотиш планини 156,2 процент бажариб, июль ойининг учинчи ўн кунлигида йиллик планга нисбатан сабзавот етиштиришда 16 процент, ҳўл мева етиштиришда 10 процент ўсишга эришдилар.

Байроқ Калинин районидаги Калинин номли колхоздан олиб берилади.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Бўстонлиқ районига, Калинин районидаги «Москва» колхозига, Янгийўл районидаги У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

* * *

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети озуқа экинларини ўриб-йиғиб олиш ва озуқа тайёрлаш юзасидан область районлари, колхозлари ва совхозлари ўртасида шу йил июль ойининг иккинчи ярмида ўтказилган социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб, қарор қилдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи **Калинин районига** (район партия комитетининг секретари Р. Қамбаров, район ижроия комитетининг раиси Ҳ. Аҳмедов, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов органлари ишчи-хизматчилари касаба союзи район комитетининг раиси С. Исмоилов ўртоқлар) берилди. Район чорвадорлари дағал хашак тайёрлаш йиллик топшириғини 96,7 процент, шу жумладан сенаж бостириш — 117,8 процент, беда хашаги тайёрлаш — 88,6 процент, табиий пичан тайёрлаш — 89,0 процент, ўт уни тайёрлаш — 84,6 процент бажардилар. Июль ойининг иккинчи ярмида дағал хашак тайёрлашда 12,1 процент, шу жумладан сенаж бостиришда 0,4 процент, беда хашаги тайёрлашда 30,3 процент, табиий пичан тайёрлашда 26,9 процент, ўт уни тайёрлашда 22,8 процент ўсишга эришилди.

Байроқ Тошкент районидан олиб берилади.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи **Чиноз районидаги Жамбул номли совхозга** (директори Р. Саъдуллаев, партия комитетининг секретари А. Сексенбоев, ишчилар комитетининг раиси Д. Алтаев ўртоқлар) берилди. Совхоз ишчилари дағал хашак тайёрлаш йиллик топшириғини 60,5 процент, шу жумладан беда хашаги тайёрлаш планини 77,8 процент, табиий пичан тайёрлаш планини 61 процент, ўт уни тайёрлаш планини 105 процент бажардилар ва июль ойининг иккинчи ярмида йиллик планга нисбатан дағал хашак тайёрлашда 28,3 процент, шу жумладан беда хашаги тайёрлашда 41,0 процент, ўт уни тайёрлашда 55,0 процент ўсишга эришдилар.

Байроқ Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхозтехникумидан олиб берилади.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи **Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозга** (раиси М. Рўзиматов, партия комитетининг секретари М. Пўлатов, касаба союз комитетининг раиси М. Мирзаев ўртоқлар) берилди. Колхозда дағал хашак тайёрлаш йиллик топшириғи 112,0 процент, шу жумладан сенаж бостириш 102,7 процент, ўт уни тайёрлаш 27,5 процент бажарилди ва июль ойининг иккинчи ярмида йиллик топшириққа нисбатан дағал хашак тайёрлашда 16,3 процент, шу жумладан ўт уни тайёрлашда 20 процент ўсишга эришилди.

Байроқ Пискент районидаги Тельман номли колхоздан олиб берилади.

Область план бўлимига жамоат чорваси учун мўл озуқа базаси яратишда жонбозлик кўрсатган илғор чорвадорларга сотиш учун Калинин районига, Жамбул номли совхозга ва Охунбоев номли колхозга биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БАХТ ҚОМУСИ

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ

СССР Олий Совети умумхалқ муҳокамаси давомида киритилган таклифлар ва тузатишларни ҳисобга олган ҳолда шу йил октябрь ойида тасдиқлайдиган янги Конституция СССРда халқ ҳокимиятчилигини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга хизмат қилади.

«...Лойиҳада баён этилган янгиликнинг асосий йўналиши, — деди Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети май Пленумида, — социалистик демократияни кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан иборат».

Чинакам халқ ҳокимиятчилиги, унинг мунтазам равишда кенгайиб бориши социалистик жамиятимизнинг объектив қонунияти бўлиб қолди. Бизда антагонистик синфлар йўқ. СССРда кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи таркиб топди. Асосий ижтимоий группалар орасидаги туб тафовутлар аста-секин камайиб, мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатлар бир-бирига тобора яқинлашиб бормоқда. Ишчилар синфи, деҳқонлар ва меҳнат интеллигенцияси биргаликда мамлакат ишларини бошқариш билан шуғулланмоқда. Бу нарса ҳокимият ваколатли органларининг аталишида ҳам ўз аксини топган. Кекса авлод кишилари яхши биладиларки, социалистик мамлакатнинг дастлабки йиллари бизда ишчи, деҳқон, солдат депутатлари Советлари ташкил қилинган. Кейинчалик улар механизаторлар депутатлари Советлари бўлиб қолди. Янги Конституция лойиҳаси бўйича эса халқ давлат ҳокимиятини халқ депутатлари Советлари орқали бошқаради, улар СССРнинг сиёсий негизини ташкил қилади.

Россияда революция туфайли вужудга келган «Совет» сўзи дунёнинг ҳамма тилларидан ўрин олди. Ҳокимиятнинг янги формаси сифатида Советларнинг моҳияти (капиталистик мамлакатлардаги парламентлар ёки муниципалитетлардан фарқли ўлароқ) шундаки, уларнинг ҳаммаси — Олий Советдан тортиб то кичик қишлоқ Советигача — давлат ҳокимиятини тўла-тўкис амалга оширади, экономика, уй-жой қурилиши, маданият, соғлиқни сақлаш, маориф ишларини ўз территорияси чегарасида планлаштириб ва назорат қилиб боради. Айни вақтда Советлар оммавий ташкилот бўлиб, улар орқали реал халқ ҳокимиятчилиги амалга оширилади. Сайловчиларнинг тартиби, Советларнинг состави, кундалик фаолиятини объектив равишда таҳлил қилиб, худди шундай хулоса чиқариш мумкин.

Одатда, Советларга сайловларда 18 ёшдан бошлаб ҳар минг кишидан 990 дан ортиқ киши қатнашади. Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг (16 миллион киши), касаба союзларининг (113 миллион киши), коммунистик ёшлар союзининг (36 миллион киши) ташкилотларига, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларига, меҳнат коллективларига, яъни катта ёшдаги барча аҳолига берилган.

Янги Конституция лойиҳасида айтилганидек, халқ депутатлари Советларининг фаолияти масалаларни коллектив бўлиб, эркин, амалий муҳокама қилиш ва ҳал этиш, ошкоралик, ижро қилувчи ва бошқарувчи органларнинг аҳолига мунтазам ҳисоб бериб туриши асосига қурилади. Масалан, ўтган йили 50 минг 345 маҳаллий Советлардан 49 минги халқ олдида ҳисоб бериб, уларда 130 миллион сайловчи, яъни сайловчиларнинг қарийб ҳаммаси қатнашди. Эндиликда мунтазам равишда ҳисоб бериб туриш практикасини СССР Конституциясида махсус модда билан мажбурий қилиб қўйиш тавсия қилинмоқда.

Бизда турли хил проблемалар коллектив бўлиб матбуот орқали, йиғилишлар ва сессияларда, жами 330 минггача яқин доимий комиссияларда мутахассислар, ишчилар ва колхозчилар, фан ва маданият арбоблари иштирокида муҳокама қилинади. Ўтган йили фақат сессияларда экономика ва маданий қурилишнинг 400 минггача яқин хилма-хил масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, сайловчиларнинг қарийб 600 минг накази бажарилди.

Янги Конституцияга кўра, халқ контроли органларини ҳам Советлар тузади. Бу органларда давлат ва жамоат назорати корхоналарда, колхозларда, ташкилот ва муассасаларда биргаликда қўшиб олиб борилади. Ҳозирги вақтда 9 миллион кишини ўзида бирлаштирган халқ контроли органлари давлат планлари ва топшириқларининг бажарилишини, интизомга риоя қилинишини, хом ашё ва материаллардан тежаб-тергаб фойдаланишни назорат қилиб турибдилар.

Янги Конституцияда умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қонунлар ва қарорларнинг лойиҳаларини муҳокама қилишда ва ишлаб чиқишда давлат органларининг, корхоналар ва муассасаларнинг кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларининг ишида, уларнинг фаолиятини контроль қилишда совет гражданларининг иштирок этиш ва камчиликларни танқид қилиш ҳуқуқи махсус моддаларда қонунлаштирилади.

Лойиҳани таҳлил қилиб, яна бир муҳим хулосага келиш мумкин: гражданлар давлат ва жамият ишларини бошқаришни фақат Советлар орқалигина амалга оширмайдилар. Мамлакатда касаба союзлари, комсомол ва турли ижодий союзлар каби оммавий ташкилотлар ҳам ривожланди ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланди. Улар орқали бутун катта ёшдаги аҳоли ҳокимият органларини тузишдагина эмас, балки бевосита бошқаришда ҳам қатнашмоқда.

Лойиҳага биноан жамоат ташкилотларининг қонун чиқариш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқи Конституцияда мустаҳкамланади. Бу амалдаги ишларнинг давомидир. Масалан, касаба союзларининг таклифига биноан меҳнат ҳақида Қонунлар кодекси қабул қилинди, давлат пенсиялари тўғрисида қонунлар ишлаб чиқилди. Касаба союзлар маъмурият билан биргаликда ишлаб чиқаришни планлаштириш ва ривожлантириш, кишиларнинг моддий-маиший эҳтиёжларини, маънавий эҳтиёжларини қондириш, дам олишни ташкил қилиш масалаларини ҳал қилмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси «Совет давлатда бошқарув ишлари кимларнинг қўлида?» деган саволга аниқ жавоб бериб турибди. Янги Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига чиқарилганлигининг ўзи ҳам социалистик тузум демократиясининг яна бир далилидир.

Ю. ШЕБАЛИН,
АПН шарҳчиси.



И. Портнов фотоси.

КЕЛГУСИДА Чотқол ГЭСигача бўлган масофани қисқартириш мақсадида Чотқол тизма тоғлари бағирлаб янги йўлга асос солинмоқда. Бу участкада 4-механизациялашган кўчма колоннага қарашли бригада азаматлари ишлаяпти.

Анатолий Иванович Рекайкин бошлиқ бу бригада аъзолари ҳар куни 400 минг куб метр ўрнига 800 минг куб метр ер ишларини бажаришмоқда. Суратда: (чапдан) 6 разрядли экскаватор машинисти Владимир Малькин, машинист ёрдамчиси Геннадий Шуткин, бульдозерчи Зуфар Ёқубов ва участка бошлиғи Анатолий Горин.

ДИЛ РОЗИ

Оҳангарон райони меҳнаткашлари СССР янги Конституцияси лойиҳасини зўр ишчанлик билан муҳокама қилмоқдалар. Ўтган давр мобайнида Оҳангарон шаҳри корхоналари ва ташкилотларида 70 дан ортиқ йиғилиш ва митинглар бўлиб ўтди. Уларда меҳнаткашлар вакилларидан салкам 6,5 минг киши иштирок этиб, 270 киши сўзга чиқди.

Ишчи ва хизматчилар митингларда дил сўзларини изҳор этмоқдалар. 8-темир-бетон буюмлари заводи машинисти И. В. Михайлова КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларидан руҳланиб, юбилей йили мажбуриятини бир ярим баравар ортиғи билан адо этишга сўз берди. Моҳир ишчи сентябрь ойигача оширилган йиллик социалистик мажбуриятни бажариш учун курашмоқда.

— Янги Конституция лойиҳасида халқ дилидаги гаплар айтилган, — дейди «Сантехлит» заводи ишчиси, шаҳар Советининг депутати С. Бегимов. — Унда бизнинг ҳуқуқ ва бурчларимиз яна ҳам аниқроқ кўрсатилган. Советлар замонида ҳар бир киши меҳнат қилиш, уй-жойли бўлиш, дам олиш, билимли бўлиш ҳуқуқларига эгадир. Бундай имкониятлар капиталистик мамлакатларда йўқ. Уларда ишсизлик ва адолатсизлик йил сайин кучаймоқда. Биз ҳаммамиз порлоқ тақдиримиздан мамнунмиз. Яратиб берилган имкониятлардан фойдаланиб, янада унумли меҳнат қилишга ҳаракат қиламиз.

Район партия комитети ва шаҳар ижроия комитети меҳнаткашларнинг митингларида ва келаётган хат-ҳабарларда билдирилаётган таклиф ва истакларни ҳисобга олувчи махсус комиссия тузидилар. Бу комиссияга район ва шаҳарнинг донгдор кишилари, ишчилар, зиёлилар киритилган. Комиссия аъзолари меҳнаткашларнинг фикрларини қунт билан ўрганиб, уларни умумлаштирмоқдалар.

Тушаётган таклифлар рангбаранг. Ун комбинати оператори Светлана Хабибова Конституция лойиҳасининг 13-моддасини янги таҳрирда беришни тавсия қилмоқда. У совет кишиларининг виждонан қилган меҳнатини улуғлаш лозимлигини таъкидлайди. «Стройпластмасс» комбинати ишчиси Ҳожибой Асқаров эса меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузувчиларни жавобгарликка тортишни таклиф қилмоқда. Меҳнат ветерани, кекса коммунист Н. А. Проценко СССР Конституциясига лойиҳасининг 44-моддасини «Давлат уй-жой фондларини сақлаш учун СССР гражданларининг жавобгарлиги оширилсин» деган сўзлар билан тўлдириш тарафдоридир.

Бошқа таклифлар ҳам бир-биридан қимматли. Уларнинг ҳаммасида бир мазмун — коммунистчасига яшаш ва меҳнат қилиш ғояси олға сурилган.

М. ҚАЮМОВ,
Оҳангарон райони.

ИШЧИЛАР ТАКЛИФ КИРИТМОҚДАЛАР

ТОШКЕНТДАГИ электротехника заводининг цехларида стендлар ўрнатилган. Бу стендларга янги Конституция лойиҳаси билан ёима-ён ана шу ғоят муҳим ҳужжатни муҳокама қилиш давомида корхона ишчиларидан тушаётган таклифлар ва қўшимчалар осиб қўйилган. Кейинги кунларда ана шундай таклифлар кўпайиб кетди. Аввало корхонада 62 та халқ сиёсий мактаби ташкил этилганлиги шундай таклифларни кўпайтириб юборди. Халқ сиёсий мактаблари асосий қонуннинг ҳар бир бўлимини чуқур ўрганиб, тушунтириш олишда ишчиларга ёрдам бермоқдалар.

Корхонанинг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари Конституция лойиҳасини пропаганда қилиш учун турли иш формаларидан фойдаланмоқдалар. Меҳнат ветеранларининг социалистик жамият қуриш учун олиб борилган курашининг айрим босқичлари тўғрисидаги, Ўзбекистоннинг ва умуман бутун мамлакатнинг халқ хўжалиги ва маданиятини ривожлантириш ҳақидаги ҳикоялари ёш ишчиларда қизиқиш туғдирмоқда. Завод цехларида СССР Конституцияси лойиҳасига бағишланиб олимлар ва юристлар билан учрашувлар ўтказилди.

Корхона партия комитетининг ташаббуси билан сиёсий маориф кабинети ҳузурида махсус консультация ташкил этилди. Бу ерда партия ветеранлари, тажрибали юристлар иш олиб боради. Улар лойиҳанинг айрим қоидаларини тушунтириб берадилар, асосий қонунни муҳокама қилиш чоғида пайдо бўлган фикр-мулоҳазаларга аниқлик киритишда кишиларга ёрдам берадилар.

(ЎзТАГ).



«ЧИРЧИКСЕЛЬМАШ» заводи коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун мусобақани тобора авж олдирмоқда.

Ушбу суратда корхонанинг зарбдор ишчилари, мусобақа ғолиблари Ранса Шайхразиева билан Галина Калядинани кўриб турибсиз.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ЮТУҚЛИ ЖАМҒАРМА

СССР янги Конституцияси лойиҳасининг «Иқтисодий система» бобида совет гражданларининг шахсий мулкида меҳнат билан топилган даромад ва жамғармалари бўлиши мумкинлиги ҳам қонунлаштирилган. Дарҳақиқат ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида, колхоз ва совхозларда тер тўкаётган кишиларнинг ҳаёти кун сайин фаровонлашиб, даромадлари ортиб бормоқда. Уларни сақлаб бериш эса давлат омонат кассалари томонидан намунали ташкил қилиняпти.

Районимизда ҳам омонат кассаси хизматидан фойдаланувчилар сони кун сайин кўпаймоқда. Кишиларнинг меҳнат маҳсули — пул даромадлари уларга зарур бўлган пайтгача давлат муомала системасида фойдаланилаяпти.

Гражданлар ўз жамғармаларини омонат кассаларида ҳар хил турда сақлашади. Кейинги пайтларда бизда катта ютуқ келтириш мумкин бўлган ютуқли омонат ҳолида сақлаш кўпайиб бормоқда. Бунда омонатчига жамғарманинг миқдори учун процент тўланмайди, яъни керакли вақтда қўйган миқдорида пул олади. Бироқ унинг афзаллиги шундаки, ўтказиладиган тиражда омонат дафтарчасининг номери «бахтли» бўлиб чиқиши мумкин. Бундай тиражлар йилига икки марта — апрель ва октябрь ойларида бўлиб ўтади.

Шу ой апрелдаги ютуқда кассамиздаги иккита омонат дафтарчаси эгаларининг омади келди. Улардан бирига 300 сўм ва иккинчисига 500 сўм ҳажмида ютуқ чиқди.

Қўйманинг яна бир турида пулни омонатчи томонидан шахсан кассага келтириб бериш, ёки иш жойидан бухгалтерия орқали ўтказиш (перечисление) йўли билан амалга оширилади.

Омонатга пул қўювчиларнинг ютуқлари жамғармалари каби қаттиқ сир сақланади ва ютуқ комиссияси йиғилишида кўриб чиқилиб, омонат дафтарига суммаси ёзиб қўйилади. Районимизда омонат қўйишнинг бу қизиқарли туридан ҳозир кўпчилик фойдаланаяпти.

Сиз ҳам ютуқли омонатда қатнашиб, омадингизни синаб кўринг.

Т. ЎРИШБОЕВ,
Бўка район давлат омонат кассасининг мудири.

ҲАР БИР КИШИНИНГ ҚАЛБИГА ЕТКАЗИЛИШИ КЕРАК

ТОШКЕНТДАГИ темирйўлчилар маданият саройининг ходимлари билан Ўрта Осиё темирйўл бошқармаси «Билим» жамиятининг активлари СССР Конституцияси лойиҳасига бағишланган оғзаки альманахлар туркумини уюштирдилар. Улар корхоналарда, йўл станцияларида ва пўлат магистраллар меҳнатчиларининг истиқомат жойларида кечалар ўтказадилар. Ҳар бир альманах бир нечта саҳифадан иборат. Бу саҳифалар КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленуми қарорларига, советлар мамлакати янги асосий Қонуни лойиҳасининг айрим моддаларига бағишланган. Альманахни чиқаришда партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари ишлаб чиқариш илғорлари ҳамда новаторлари иштирок этмоқдалар.

Пропагандистлар «ишчи савол беради, мутахассис жавоб қайтаради» деб аталётган кечалар жуда қизғин ўтмоқда. Лектор, юрист, экономист, врач доира стол атрофида тўпланиб, Совет Иттифоқи Конституцияси лойиҳасининг голг катта аҳамиятга эга эканлигини ва Конституция мамлакат меҳнаткашлари олдида очиб берадиган имкониятлар тўғрисида конкрет материаллар орқали сўзлаб бермоқдалар.

ИШЧИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА ЭЪТИБОР

Меҳнат қилиш ҳуқуқи социалистик хўжалик системаси билан, жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини тинимсиз ўстириш билан, текинга касб ўргатиш билан, меҳнат малакасини ошириш ва янги ихтисосларни ўргатиш йўли билан таъминланади.

(СССР янги Конституциясининг лойиҳасидан).

Халқ ҳокимияти бўлган Совет давлатида кадрлар бебаҳо бойлик ҳисобланади. Улар ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида самарали меҳнат қилиб, коммунизмнинг иқтисодий пойдеворини вужудга келтиришади. Шу туфайли партия ва ҳукуматимиз мутахассис кадрлар етиштириш ва уларни жой-жойига қўйишда алоҳида гамхўрлик кўрсатмоқда. Ишчи кадрлар тайёрлашга эса ҳар галгидан ҳам катта эътибор берилаяпти.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг яқинда бўлиб ўтган йиғилиши ана шу муҳим масалага бағишланди. Унинг иштирокчилари областда бу соҳада кейинги йилларда анчагина ишлар амалга оширилганлигини қайд этишди. Партия ва совет органлари ишчи кадрлар етиштиришни ўз кун тартибларидаги асосий вазифалардан бири сифатида ҳал этишмоқда. Шунинг натижасида 1976 йилда 36 минг 425 малакали ишчи тайёрланди. Уларнинг 12 мингдан зиёдроғи ҳунар-техника билим юртларидан, 8310 нафари эса ўқув — ишлаб чиқариш комбинатлари ва курсларидан йўлланма олишди. Шахсий, бригада ва группа усулида ёшларга касб ўргатиш кун сайин яхши йўлга қўйилмоқда.

Ҳунар-техника билим юртларининг сони ва сифат даражаси ортди. Уларда ўқув-тарбия ишлари яхшиланиб, моддий база мустаҳкамланди. Кейинги бир ярим йил ичида яна тўртта ҳунар-техника билим юрти очилиб, областда уларнинг умумий сони 39 тага етди.

Айни пайтда халқ хўжалиги учун асосий турдаги ишчи кадрлар етиштиришда камчиликлар мавжуд. Ҳозиргача малакали ишчиларнинг кўпчилик қисми бевосита ишлаб чиқаришда, механизаторлар эса «Узсельхозтехника»нинг жойлардаги корхоналари ва қисқа муддатли курсларда тайёрланмоқда. Колхоз ва совхозлар территориясида жойлашган айрим ҳунар-техника билим юртларининг филиалларида ўқув процесси бўш назорат қилинади. Улар ўқув-кўргазмали қуроллари, техника воситалари билан қониқарли таъминланган эмас. Бир қатор қишлоқ ва шаҳар ўқув юртларида ҳам ўқув-тарбия ишларининг ташкил этилиши замонавий талабларга жавоб бермайди.

Буларнинг ҳаммаси ҳунар-техника таълими бошқармаси томонидан назоратнинг суслиги ва бўш амалий ёрдам кўрсатилаётганлиги натижасидир.

Олмалиқ, Бектемир шаҳарларидаги айрим ташкилотларнинг айби билан эса баъзи ўқув объектлари қурилиши жуда ҳам суст боряпти. Калинин, Бекобод ва Қуйи Чирчиқ район ижроия комитетлари умумий таълим мактаблари базасида ҳунар-техника билим юртлари ташкил этишга етарли эътибор бермаяптилар.

Йиғилишда шу каби бир қатор камчиликлар кўрсатилиб, уларни тугатиш тадбирлари белгиланди. Жумладан, мураббийчилик ҳаракатини кучайтириш ва ёшларни меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялаш мақсадида шаҳар, район, партия, совет ва ҳўжалик ташкилотларининг раҳбарлари зиммасига ишчи ва колхозчи кадрлар тайёрлаш ва уларни замонавий фан-техника ютуқлари билан чуқурроқ таништиришга кенг эътибор бериш вазифаси топширилди. Судралаётган қурилишлар суръатини ошириш учун ҳам тегишли чоралар қабул қилинди.

Область ҳунар-техника таълими бошқармаси зиммасига бу системани тараққий эттириш юзасидан план ва программаларини қайтадан белгилаб олиш, тилга олинган камчиликларни бартараф этиш юклатилди.

Ёшларнинг профессионал маҳоратини ошириш мақсадида улар билан ишловчи область идораларо совети тузилиб, унинг состави тасдиқланди.

САБЗАВОТ ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ РЕЗЕРВИ

КПСС XXV съезди ўнинчи беш йилликда совет кишилари турмуш фаровонлигини юксалтиришнинг кенг программасини белгилаб берди. Бу муҳим программада аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондиришга эришиш алоҳида таъкидланган.

Пойтахт область колхоз ва совхозларида сабзавотчиликни янада ривожлантириш, ялпи сабзавот етиштиришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, аҳолини янги маҳсулотлар билан қишин-ёзин узлуксиз таъминлаб туриш масалалари область партия, совет, қишлоқ хўжалик, тайёрлов органларининг ва хўжалик раҳбарларининг доимий диққат эътиборларида турипти. Аҳолининг сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда теплица хўжаликларида ялпи маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ҳал қилувчи факторлардан биридир.

Теплица хўжаликлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг саноат асосидаги интенсив тармоғи ҳисобланади. Бу ерда юксак агротехника ва меҳнатни намунали ташкил этиш асосида ҳосилдорликни кескин юксалтириш учун барча имкониятлар мавжуддир. Агар очиқ далаларда эрта етиштирилган ҳосилнинг нархи бир неча баравар қиммат эканлигини ҳисобга олсак, бу хўжаликлар учун иқтисодий жиҳатдан фойдали эканлигини ва шу даромадлар ҳисобига маҳсулот етиштиришни янада кўпайтириш имконияти мавжуд эканлигини тушуниб олиш қийин эмас.

Теплица хўжаликларидаги ҳар бир квадрат метр ердан самарали фойдаланиш, теплицани қуриш, ундан фойдаланиш ва маҳсулот етиштириш учун сарфланган маблағлар ўрнини жуда қисқа муддат ичида қоплашдан ташқари салмоқли фойда олиш имконини беради. Олинган соф даромадни ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, хўжаликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, турар-жойлар қуриш, маданий-маиший бинолар барпо этиш, ишчиларнинг, колхозчиларнинг ва мутахассисларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш учун сарфлаш мумкин бўлади.

Тошкент областида теплица хўжаликларида сабзавот етиштириш олтмишинчи йиллардан бошланган эди. Ҳозир область хўжаликларидаги теплицаларнинг умумий майдони 75 гектарга етди. Бу 1970 йилдагига нисбатан 64 гектар кўпдир. Шу туфайли сабзавот маҳсулотларни етиштириш умумий ҳажми ҳам беқиёс кўпайди. Ўтган йили колхоз ва совхозларнинг теплица хўжаликларида 4,5 минг тонна яъни 1970 йилдагига нисбатан 3,7 минг тонна кўп ёки, бошқача қилиб айтганда, олти марта кўп сабзавот маҳсулотлари етиштирилди.

Шунингдек, областда лимон етиштирадиган майдонлар ҳам кенгайди. Сўнгги олти йил ичида лимон етиштириш 2,7 баравар кўпайди ва бу йил 567 минг донага етказилди.

Илғор хўжаликлар агротехник тадбирлар комплексини ўз вақтида сифатли амалга оширишга ҳисобига теплица шароитида ҳосилдорликни кескин оширишга эришмоқдалар. Калинин районидаги «Ташсадвинсовхоз» трестига қарашли ихтисослаштирилган 1-теплица комбинати ҳозирги даврда 1,4 минг тонна, яъни 1970 йилдагига нисбатан 4,6 марта кўп сабзавот маҳсулотлари етиштирмоқда. Шу ўтган давр ичида экин майдони уч гектардан 14 гектарга етди. Ҳосилдорлик эса ҳар квадрат метр ердан ўртача 12,5 килограммни ташкил этаётир. Айрим уста сабзавоткорлар эса 25 килограммга етказиб ҳосил кўтармоқдалар.

Тошкент районидаги Ленин номли колхоз теплицасида ҳар квадрат метр ердан 13—14 килограммдан сабзавот ҳосили олинмоқда. Калинин районидаги «Партия XX съезди» ва Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхоз теплицаларида ҳам помидор ва бодрингдан юқори ҳосил етиштирилмоқда.

Бироқ, шунга қарамай, бизнинг мамлакатимиздаги, Болгария Халқ Республикаси ва бошқа мамлакатлардаги кўпгина илғор теплица хўжаликларининг иш тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳар квадрат метр ердан 45—50, ҳатто ундан ҳам ошириб сабзавот маҳсулотлари олиш мумкин. Кўриниб турибдики, теплицаларда ҳосилдорликни кескин оширишнинг катта резерв ва имкониятлари мавжуддир. Аммо, областдаги кўплаб колхоз ва совхозларнинг теплица хўжаликларидан самарали фойдаланилмаётир, ҳосилдорлик жуда паст.

Ўтган йили областдаги мавжуд 17 хўжаликнинг 12 тасида ҳосилдорлик ўн килограммдан паст бўлди. Бунинг асосий сабаби — тупроқнинг унумли бўлиши учун қайғурмаслик, минерал ўғитлардан ўз вақтида ва етарли миқдорда фойдаланмаслик, ҳароратнинг нормал бўлмаслиги, экинларни сифатсиз парвариш қилиш, малакали кадр ва мутахассисларнинг етишмаслигидадир. Бу камчиликларни йўқотиш учун ҳар бир колхоз ва совхозда конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш ва уни тўла амалга ошириш лозим. Бу йўлда қишлоқ хўжалик, савдо-тайёрлов органлари хўжаликларга яқиндан ёрдам бериши зарур.

Ҳар бир хўжалик ўз олдига яқин икки-уч йил ичида ҳосилдорликни 25 килограммга етказиш вазифасини қўядиган пайт келди. Агар шундай марра эгалланса, область бўйича теплица хўжаликларида етиштириладиган маҳсулот уч баравар ортади.

Бу борада 1977 йил қишки-баҳорги паллада олға силжиш рўй берди. Область бўйича ҳар квадрат метр ердан ўртача етти килограммдан энёдроқ ҳосил олинди. Илғор хўжаликларда эса 9—12 килограммгача кўтарилди. Бу натижалар кўрсатиб турибдики, бу йил кузги-қишки паллада ҳам ҳосилдорлик шу даражада бўлса, демак йиллик ўртача кўрсаткичлар область бўйича 14 килограммгача, илғор хўжаликларда эса, 18—24 килограммгача етиши мумкин.

Теплицаларда кузги-қишки ҳосил учун сабзавот кўчатларини экиш пайти яқинлашмоқда. Бу масъулиятли даврдир. Ишнинг муваффақияти теплицаларни ўз вақтида сифатли ремонтдан чиқаришга, иситиш тармоқларини қай даражада созланишига, кўчат ва тупроқни сифатли тайёрлашга боғлиқдир. Шунингдек теплицаларни малакали мутахассис кадрлар, сабзавотчилик устаси билан ўз вақтида таъминлаш, уларнинг малакаларини ошириш учун курслар ташкил этиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Теплица хўжаликларидаги тупроқ серунум, таркибида озуқа моддалари сероб, ҳаво ва намликни яхши ўтказадиган, суғорилганида қатқалоқ бўлиб қолмайдиган, пўрсилдоқ бўлиши зарур. Одатда парник хўжаликларига солинадиган тупроқ далалардан олинадиган оддий тупроқ билан чиришган гўнг аралашмасидан тайёрланади. Агар бу аралашган тупроққа 50 процент миқдорида шоли қипиғи аралаштирилса, янада яхши бўлади. Тупроқнинг қалинлиги 35—40 сантиметр бўлиши лозим. Ҳар квадрат метр ерга 20—25 килограммдан маҳаллий ўғит солиш керак. Янги ташкил этилган теплицаларда эса маҳаллий ўғитни икки қават қилиб солиш тавсия этилади. Ҳар икки-уч йилдан сўнг тупроқнинг юза қисмини 8—10 сантиметр қалинликда алмаштириб туриш лозим. Ҳар сафар тупроқ ювшатилаётган пайтда гектар ҳисобига 300 килограммдан суперфосфат солиш керак бўлади. Шунингдек, тупроққа кимёвий ва биологик йўллар билан ишлов бериб туриш шарт.

25—30 кунлик бодринг кўчатларини 20 август — 10 сентябрь оралиғида, 45 кунлик помидор кўчатларини эса 10—25 август оралиғида тўла экиб тугаллаш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, помидор, бодринг ва кўкатлар (укроп, петрушка, редиска, кўкпиёз) парник хўжаликларида етиштириладиган асосий экинлар ҳисобланади. Улар ҳосилдорлигини ошириш учун ҳар бир агротехник тадбирни қулай муддатда сифатли ўтказиш талаб этилади.

Кузги-қишки даврда бодринг етиштиришда теплицадаги ҳавонинг ҳарорати, 20—22 градус (ҳаво булут пайтларда), ҳаво намлиги эса 60—75 процент атрофида бўлиши керак. Экин илиқ сув билан суғорилади. Дастлабки ҳосил нишоналари пайдо бўлиши билан экинни тез-тез суғориб туриш зарур. Ҳар бир сувдан сўнг тупроқ албатта юмшатилиб турилиши керак. Кўчатларга чалинади ва чангланиш жараёни сусаяди. Шунинг учун экиннинг гуллаш даврида кундуз кунлари теплицаларга ўрнатилган ҳаво ҳайдагичлар ишлаб туриши зарур.

Экиннинг ёппа гуллаши ва яхши чангланишига эришиш учун гуллаш олдидан суғориш тавсия этилмайди. Дастлабки ҳосил намуналари кўрина бошлагандан сўнг эса қондириб суғориш фойдалидир. Чунки бу даврда экин бирор кун чанқатиб қўйилса ҳам помидор ўсишдан ва ривожланишдан тўхтаб қолади.

Помидорни ўсиш даврида ҳар 10—12 кунда навбати билан органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантириб борилиши тавсия этилади. Озуқа нормаси қуйидагича: 10 литр сувга кўчат яхши илдиз олганидан сўнг 15 грамм аммиак селитраси, 50 грамм суперфосфат, 20 грамм хлорли калий; ҳосил тугунчалари пайдо бўла бошлаган даврда 10 литр сувга 30 граммдан аммиак селитраси, суперфосфат ва хлорли калий; ҳосилга кирган даврда 10 литр сувга 40 граммдан аммиак селитраси ва суперфосфат, 30 грамм хлорли калий. Бу озуқа бир квадрат метр ерга 10 литр ҳисобидан берилади. Озуқани тупроқнинг нам вақтида бериш мақсадга мувофиқдир.

Бодринг ва помидор микроўғит турларини яхши истеъмол қилувчи экинлардан бўлиб, бунда ҳосилдорлик анча ортади. Бодрингга микроўғитлар асосан кўчат экиб бўлингандан сўнг ва ҳосил бера бошлашидан аввал солинса, яхши натижа беради. Микроўғитнинг нормаси қуйидагича бўлиши керак: ҳар квадрат метр ерга бир грамм олтингугурт кислотали мис, 0,5 грамм олтингугурт кислотали марганец ва борат кислотаси 10 литр сувга аралаштирилади.

Помидорга микроўғитлар вегетация даврида уч-тўрт марта берилади. Нормаси қуйидагича: 10 литр сувга икки грамм борат кислотаси, 4 грамм олтингугурт кислотали марганец, 2 грамм олтингугурт кислотали мис.

Кўкатлар учун умумий теплица майдонининг 10 процентини ажратиш керак бўлади. Бундан ташқари, уларни майдон четларида, иситиш трубалари остида, танбурларда ва алоҳида яшикларда етиштириш лозим. Кўкатларга ишлов бериш агротехникаси мураккаб эмас, кўп сарф-харажат ҳам талаб этмайди, аксинча қисқа муддатларда йиғиштириб олиб заказчиларга етказиб бериш мумкин.

Шунингдек, теплица хўжаликларида блоклар ўртасидаги ерлардан ҳам самарали фойдаланса бўлади. Кўпгина хўжаликлар бу ерларда кўкпиёз етиштириб, эрта баҳорда аҳоли дастурхонига тортиқ этаётир.

Савдо-тайёрлов органлари ҳам теплица хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни қабул қилиб олиш учун ҳозирданоқ пухта тайёргарлик кўришлари лозим. Бунинг учун қишки мавсумда сабзавот маҳсулотларини қабул қилиб оладиган магазинлар ҳозирданоқ аниқ белгилаб қўйилиши, маҳсулотларни ташийдиган автотранспорт воситалари бу ишга мослаштирилиши зарур.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қарағанда аҳолининг сабзавот маҳсулотларига бўлган мавсумий даврдан ташқари пайтдаги эҳтиёжи йил сайин ортиб боради. Масалан, 1980 йилда 31,5 минг тонна, 1985 йилда 41,7 минг тонна, 1990 йилга бориб эса 52,4 минг тоннага етади. Аҳолининг бу эҳтиёжини тўла қондириш учун Тошкент шаҳри ва бошқа саноат марказлари атрофида катта теплица тармоқларини барпо этиш мўлжалланмоқда. Бу программани амалга ошириш йилида ҳозирданоқ конкрет амалий тадбирлар қўрилмоқда.

Шу кунларда областдаги етти колхозда ҳар бири олти гектар майдонга эга бўлган 7 та янги типдаги теплица комбинатлари қурилмоқда. Орженикидзе районидаги Ленин номли колхозда қурилаётган теплица эса 30 гектар майдонни эгаллайди.

Қурилиш суръатларини жадаллаштириш, теплицаларни ўз муддатида фойдаланишга топшириш, улардаги ҳар бир квадрат метр ердан самарали фойдаланиш, ялпи маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, теплицаларда сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш ва реализация қилиш ишларини уюштиришни такомиллаштириш партия, совет, қишлоқ хўжалик, савдо-тайёрлов органлари ва қурилиш ташкилотларининг кундалик диққат-эътиборларида бўлмоғи лозим.

Т. ВАЛИЕВ.

Мутахассислар маслаҳати

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ЛУСАКА. (ТАСС). Замбия халқи ва ҳукумати Замбия билан Совет Иттифоқи ўртасида ўрнатилган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини юксак қадрлайди, деди республика миллат мажлисининг спикери Р. Набульято. У СССР Олий Советининг таклифига биноан Совет Иттифоқига борган парламент делегациясига бошчилик қилган эди.

Замбиялик парламент аъзолари барча соҳаларда икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш зарур эканлигини айтдилар. Мамлакатларимиз ўртасида, деди у, Замбия халқи миллий мустақиллик учун кураш олиб борган даврлардан буён яқин дўстлик алоқалари ўрнатилган.

Р. Набульято турли соҳаларда совет халқи эришган улкан муваффақиятларни таъкидлаб, шундай деди: ўтмишда Россиянинг қолоқ чеккаси бўлган, эндиликда эса экономикаси ривожланган иттифоқдош республика — Туркманистон ССР эришган муваффақиятлар айниқса бизда катта таассурот қолдирди. Бу республика мисолида биз иқтисодий ва социал тараққиёт йўлига ўтиб олган халқлар қандай улкан муваффақиятларга эришиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилдик. Ҳозирги вақтда бутун совет халқи кенг муҳокама қилаётган СССР янги Конституциясининг лойиҳаси сўнгги ўн йилликлар мобайнида мамлакат ҳаётида содир бўлган ана шу улуғвор ўзгаришларни акс эттиради, деди парламент спикери.

Биз аминмизки, деди Замбия делегациясининг бошлиғи, Совет Иттифоқи билан алоқаларни янада ривожлантириш мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Дунё овози
Чет эл хабарлари





ВАШИНГТОНДА, Оқ уй олдида америка жамоатчилигининг норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойиш қатнашчилари АҚШ ҳукуматининг нейтрон бомбалар ва қанотли ракеталар ишлаб чиқаришни бошлаш планларини танқид қилдилар.

ТАСС телефотоси.

* * *

ГФР йирик капиталига берилаётган миллионлаб ҳарбий буюртмалар ғарбий герман меҳнаткашларини янада оғир аҳволга солиб қўймоқда. [Газеталардан].

«ДИ ВЕЛЬТ» газетасидан олинган сурат.

ИНСОНИЯТНИНГ ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИ САРИ

● ПРАГА. Братиславада чиқадиган «Правда» газетаси ёзади: социализм тарихий ташаббусни узил-кесил ўз қўлига олиб, шундай маррага эришдики, унинг ғалабалари муқаррар тус олди. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан буён ўтган 60 йил социализмнинг ҳаётийлигинигина эмас, музаффар эканлигини ҳам исбот қилди. Социализм шундай бир тузумки, унда халқ эксплуатациясиз, қардошлик, ривожланиб бораётган демократия, ҳуқуқий тенглик ва зиянтида ва эркин шароитда яшайди. Социализм, деб таъкидлайди газета, иқтисодий ва маданий ҳаётга раҳбарлик қилишда меҳнаткашларни фаол қатнаштиришни инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва демократиянинг мезони сифатида биринчи ўринга қўйди.

Жаҳондаги биринчи социализм мамлакати Улуғ Октябрь социалистик революциясидан буён ўтган 60 йил мобайнида реакцияга, фашизм ва янги мустамлакачиликка қарши қандай кураш олиб бориш кераклигини бир неча бор яққол кўрсатиб берди.

● ГАВАНА. Кубанинг «Хубентуд ребельде» газетаси турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашидан иборат ленинча принципни собиқадамлик ва изчиллик билан амалга ошираётган Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсати ҳақида «Зафарли олтмиш йил» сарлавҳали мақолани босиб чиқарди. Большевиклар, деб уқтириб ўтилади мақолада, ҳокимият тепасига келишдан илгарироқ адолатли ва демократик жаҳонни барпо этиш зарур, деб таъкидладилар. Социалистик революция ғалаба қозониши биланоқ Ленин Смольнийда Сулҳ ҳақидаги тарихий декретни ўқиб берди. Ўша пайтдан буён 60 йил ўтди. Совет Иттифоқи ўзининг ташқи сиёсатида ўлмас Ленинниинг васиятларига муттасил амал қилиб келмоқда.

«Хубентуд ребельде» газетаси яна қуйидагиларни ёзади: жаҳондаги мамлакатларнинг бирортаси ҳам янги уруш хавфини тугатишга қаратилган ғоят кенг конкрет ва реалистик программани илгари сурган эмас. Бу программа халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик тўғрисида жаҳон шартномасини ишлаб чиқишни кўзда тутади ва қуролланиш пойгасини тўхтатиш ҳамда қуролсизланиш билан боғланган барча асосий проблемаларни ўз ичига олади. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг олтмиш йиллик юбилейи нишонланадиган йилда шуни ифтихор билан қайд этамизки, бу революция халқаро муносабатларда чуқур ўзгаришлар ясаш учун асос яратиб берди ва давлатлар ташқи сиёсатининг принципиал жиҳатдан тамомила янги негизини вужудга келтирди. Совет Иттифоқи Ленин васиятларини муқаддас билиб, унга амал қилмоқда ва инсониятни ядро уруши гирдобига ташлашга шайланиб турган империализм қора кучларининг кирдикорларига қарши курашмоқда.

● АФИНА. Афинанинг «Руалл» театрида Грециа пойтахти меҳнаткашларининг оммавий митинги бўлди. Бу митинг Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланди. Икки мингдан ортиқ киши В. И. Ленин нутқлари ёзиб олинган ленталарни эшитиш, Улуғ Октябрь социалистик революциясига бағишланган фильмларни кўриш учун бу ерга келди. Театр сахнасида революцион қўшиқлар, В. Маяковскийнинг партия ҳақида, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги қаҳрамонлар тўғрисида ёзган шеърлари янгради.


Митинг қатнашчилари Октябрь ватанининг экономика, фан ва маданият соҳасида эришган муваффақиятларини ҳикоя қилувчи стендлар билан танишдилар. Театр биносида В. И. Ленин асарлари, Совет Иттифоқи коммунистик партияси, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракати таниқли арбобларининг ёзган китоблари сотиладиган виставка ташкил этилди.

● БАҒДОД. Жаҳонда ғолиб чиққан биринчи социализм давлати, деб таъкидлайди Ироқнинг «Тариқ ашшаъб» газетаси, олтмиш йилдан буён порлоқ истиқбол учун курашиб келаётган халқлар йўлини ёритиб бормоқда. Бутун жаҳонда озодлик учун курашаётган кишилар билан амалий бирдамлик — Совет Иттифоқи тинмай амалга ошириб келаётган сиёсатга хос хусусиятдир. Социализм ватанининг Вьетнам, Ангола, Мозамбик халқлари ҳаққоний курашининг тантанасига қўшган ҳиссаси; Африка қитъасининг жанубидаги миллий-озодлик ҳаракатига, Араб халқларининг ҳануз босқинчилар асоратида бўлган ўз ерларини озод қилиш йўлидаги курашига бераётган ёрдами ғоят муҳимдир. СССР бошчилигидаги жаҳон социалистик системаси мамлакатлари билан халқлар миллий-озодлик ҳаракатининг иттифоқи Октябрь революциясининг йўлбошчиси улуғ Ленин ғоялари рўёбга чиққанлигини кўрсатувчи ёрқин намунадир.

● БРАЗЗАВИЛЬ. Барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари ва тараққийпарвар жаҳон жамоатчилиги, деб таъкидлайди Конгонинг «Этумба» газетаси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини кенг нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда. Бу революция ер юзида яшовчи халқларга тинчлик ва бахт йўлини очиб берди. Газета сулҳ тўғрисида В. И. Ленин тайёрлаган Декрет Совет давлатининг биринчи акти бўлганлигини эслатиб ўтади. Бу Декрет барча мамлакатларни урушга чек қўйиб, адолатли ва тенг ҳуқуқли тинчлик битимини тузишга даъват этди. Жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг ташқи сиёсати учун асос бўлган бу ҳужжат, деб уқтириб ўтади «Этумба» газетаси, буюк тарихий аҳамиятга эгадир. Декретда баён қилинган тинчлик ва турли ижтимоий-иқтисодий системадаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принциплари ҳозирги муносабатларнинг нормаси бўлиб қолмоқда.

«Этумба» газетаси яна қуйидагиларни ёзади: Совет давлати ҳозирги босқичда янги уруш хавфининг олдини олиш учун кўп куч-ғайрат сарф қилмоқда. Октябрь революциясидан буён ўтган қариб 60 йил мобайнида инсоният Совет давлатининг ғайрат-шижоати туфайли планетамизда тинчлик шаҳдам қадамлари билан олға бораётганлигига ишонч ҳосил қилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар Академияси электроника институтининг илмий ходимлари қуёш нуридан металларни эритишда фойдаланиш бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда. Бу жуда катта халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган изланишлардан бири. Суратларда: (чапда) катта инженер Ф. Солиҳова қуёш қурилмасини илмий тадқиқотларга тайёрламоқда; (ўнгда) инженер М. Қувонбеков қуёш печи гелиостатини янги эксперимент олдидан кўздан кечирмоқда.



И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.


СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

Оммавийлик — асосий рекорд

Суратларда: тошкентлик найза улоқтирувчи Надежда Тупицина мусобақада юксак натижа кўрсатди; Хабаровскдик Владимир Мельников лангар билан сакрашга тушди; (чапдан ўнгга) москвалик И. Лебедев босқон отишда, фрунзелик П. Эльтерман 110 метрга тўсиқлар ошиб югуришда, ҳамшаҳримиз Ё. Хамидуллин эса 400 метрга югуришда тўсиқ чиқишди.

Ш. Иброҳимов фотолари. (ЎзТАГ).







СССР КУБОГИ — «ИЗВЕСТИЯ» КУБОГИ УЧУН

Икки кун давомида Марказий «Пахтакор» стадионининг енгил атлетика секторлари кескин мусобақалар майдонига айланди. Бу ерда мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган енгил атлетикачилар СССР кубоги — «Известия» газетаси кубоги учун ярим финал мусобақаларида ўзаро баҳслашдилар.

Москва ва Душанбе, Қарағанда ва Львов, Олмаота ва Фрунзе, Хабаровск ва Тошкент енгил атлетикачилари, спорт жамиятлари ва идораларининг командалари сентябрда Кишиневда бўладиган финал учрашувлари йўлланмаси учун «спорт маликаси»нинг 18 турида ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Айниқса якшанба куни мусобақа авжига мингди. Москвалик армиячилар бу турнирга жуда яхши тайёргарлик кўрганликларини намойиш қилдилар. Улар командалар ўртасида энг кўп очко тўплаб, биринчи ўринни олдилар ва финал йўлланмасини қўлга киритдилар.

Шаҳарлар коллективлари ўртасида эса қарағандаликлар ғолиб чиқишди. Ҳамшаҳарларимиз иккинчи ўринни олдилар. Аммо, бу уларни мусобақани давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум қилди.

Шунга қарамай, тошкентлик спортчиларнинг дуруст натижалар кўрсатганликларини айтиб ўтиш керак. Жумладан 100 метрга югуришда П. Воробьев 10,5 секунд натижа билан маррага биринчи бўлиб етиб келди. Баландликка сакраш бўйича эса тошкентлик армиячи А. Говорковга тенг келадиганлар топилмади. Вакилларимиз баландликка лангар билан сакрашда, эстафета югуришларида ҳам дуруст натижаларга эришдилар. Лекин бу биринчи ўринни олиш учун камлик қилди.

ГИЛАМДА САМБОЧИЛАР

Округ офицерлар уйининг спорт залида самбо бўйича халқаро учрашувлар бўлиб ўтди. Унда СССР ва Узбекистон терма командалари Монголия спортчилари билан бел олишдилар.

СССР — Монголия матчида мамлакатимиз спорт шарафини асосан динамочилар ҳимоя қилишди ва 8:2 ҳисобида устунликка эришишди. Узбекистонликлар ҳам деярли барча беллашувларни муваффақият билан ўтказдилар. Вакилларимиз дастлабки икки вазн категориясидаги беллашувлардагина ғалабани бой бердилар. Қолган барча учрашувлар ўзбекистонлик самбочиларнинг ютуғи билан тугади. Самбочиларимиздан Қ. Қандилов, К. Юсупов, А. Кимсанов, В. Аникин, Ғ. Остонаев ҳамда А. Довженковлар ўз вазнларида рақибларини устидан ғалаба қозониб, биринчи ўринни олдилар. Шундай қилиб, ҳар иккала учрашув ҳам 8:2 ҳисобида СССР самбочилари фойдасига ҳал бўлди.

ТОШКЕНТЛИК АРМИЯЧИ МУВАФФАҚИЯТИ

Львов шаҳридан хушхабар келди. Бу ерда мерганлик бўйича СССР чемпионати бўлиб ўтди. Чемпионатда 19 ёшли тошкентлик мерган С. Колосов «югурувчи тўнғиз»ни мўлжалга олиш машқида минсклик олимпия чемпиони А. Газов тажрибали мерган А. Ивановларни ортда қолдириб биринчи ўринни олди. Ҳамшаҳримиз бу матчда юқори кўрсаткич—585 очкога эришди.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг «СССР 50 йиллиги» номли Тошкент трактор заводи қошидаги янги очилган

176-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1977—78 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Пресслаш асбоб-ускуналари оператори, металл бўйича универсал токарь, универсал фрезерчи, механика-йиғув ишлари слесари, темирчилик-пресслаш асбоб-ускуналарини созловчи, асбобсоз-слесарь, электр-газ пайвандчи, программали бошқариладиган станоклар оператори, ТВЧ (юқори частотали ток) қурилмаси созловчиси, электромонтёр-электрослесарь, гальваник автомат линиялар оператори, агрегатли, махсус, тиш йўниш ва резьба-фрезерлик станокларини созловчи, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь, электр пайвандчи, электр кўтарма кранлари машинисти.

Ўқиш муддати — 1—3 йил;

темирчилик-пресслаш ускуналарини созловчи, пресс ишлаб чиқариш оператори, электр кўтарма кран машинисти.

Ўқиш муддати — 1 йил.

ЎҚИШ МУДДАТИ БИР ЙИЛ БЎЛГАН ГРУППАЛАРДА СТИПЕНДИЯ ТЎЛАБ БОРИЛАДИ ВА СЎНГГИ ИККИ МУТАХАССИСЛИККА КЎПРОҚ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ЁШДАГИ 8—10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ГСПТУни тамомлаган йигит-қизлар тўлиқ ўрта маълумот ва танлаган касби бўйича диплом оладилар ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртига қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат, кийим-бош, махсус жомакор билан таъминланадилар. Четдан келганлар секция типидаги ётоқхоналар билан таъминланадилар.

Ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топилган маошнинг 33 процента тўлаб борилади. Билим юртини тугатгандан сўнгги маоши — 250 сўмгача.

Билим юртида стадион, спорт зали, сузиш бассейни мавжуд. Езги каникул даврида Чимён тоғларида спорт соғломлаштириш лагерлари ишлайди.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, автобиография, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома (аттестат), яшаш жойи, отаси ёки онасининг иш жойидан справкалар, 6 та фотосурат (3х4 см.), характеристика.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: 700177. Тошкент 177, 1-Ташавтомаш массиви. (1, 1-«Экспресс», 24, 73-автобусларнинг, «Трактор заводи» бекати).

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАБ

ДЎСТЛИК ТАРОНАСИ

КИТОБХОН КИТОБ ҲАҚИДА

Максим Горький номидаги маданият ва истироҳат боғида шаҳар ва район бадиий ҳаваскорларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига бағишланган фестивали давом этмоқда. Боғнинг эстрада ва кўчма саҳналарида Тошкент халқ филармонияси, «Юность» ва Улуғбек номидаги маданият уйлари, электротехника заводи, трамвай-троллейбус парки, темирйўлчилар маданият саройи бадиий ҳаваскорлари хилма-хил программалари билан чиқишди.

Шунингдек «ВЛКСМ 40 йиллиги» ҳамда Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғларида ҳам ҳаваскорларнинг байрамолди концертлари бўлиб ўтди. Пушкин номли боғда Бўка ва Бекобод район ҳаваскорларининг чиқишларини томошабинлар катта қизиқиш билан кутиб олишди.

Халқ бадиий ҳаваскорларининг фестивали давом этмоқда.

С. САИДОВ.

Яқинда Олмаотадаги «Қозоғистон» нашриёти адабиётшунос олим Раҳмонқул Бердибоевнинг «Дўстлик кемасида» номли публицистик мақолалар тўпламини китобхонларга тақдим этди. Бу асарда қозоқ совет адабиётининг қардош халқлар, шу жумладан ўзбек, қорақалпоқ, ёқут, олой халқлари адабиётлари билан бўлган алоқалари ёритилгандир.

Асар асосан «Санъат қардошлиги», «Дўстлик қуйчилари» каби икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда социалистик реализм асосчиси М. Горький, аллома ижодкор М. Шолохов, етук истеъдод соҳиби М. Турсунзода каби ёзувчилар билан бир қаторда, қорақалпоқ адабиётининг классиклари Бердақ ва Жиен Жиров ҳақида ҳам анча қизиқарли маълумотлар келтирилади.

Асар муаллифи М. Горький, М. Шолохов ижодининг қозоқ совет адабиётида тутган ўрнини, қозоқ ёзувчиларига самарали ижодий таъсирини кенг таҳлил этиб, уларнинг қозоқ тилига таржима қилинган асарларининг аҳамияти тўғрисида тўхталади. Бадиий таржиманинг халқлар дўстлиги ва биродарлигини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида қайд этади.

Шуниси диққатга сазоворки, асар муаллифи қайси бир қардош халқ ижодкори ҳақида қалам тебратмасин, у ўша ижодкорнинг ижодий маҳсулини таҳлил этиб, мисоллар келтириб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради.

Асарнинг биринчи қисмидаги «Дўстлик кемасида», «Шарқ хазинаси», «Амударё оҳанглари», «Нўғай шеърлари», «Олтой афсонаси», «Олонҳа элида» (ёқутистон адабиёти ҳақида) каби мақолаларда СССР халқлари ўртасидаги бузилмас дўстликни, биродарликни алоҳида таъкидлаб ўтади, у қардош адабиётлар ҳақида кенг маълумот беради.

Адабиётшунос Раҳмонқул Бердибоев, у ёки бу адабиёт тўғрисида фикр юритар экан, ҳаммадан аввал ўша адабиётнинг ўтмишига мурожаат этиб, халқ оғзаки ижоди дурдоналарига, эпик асарларига тўхталади ва қардош халқлар адабиётининг совет ҳокимияти даврида қўлга киритган улкан ютуқларини алоҳида қайд этади. Шу билан бирга улкан истеъдод соҳибларининг ижодий жавоҳирларини талқин этиб уларнинг улумсовет адабиётида тутган ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилади.

Муаллиф «Дўстлик кемасида», мақоласида қардош қозоқ-ўзбек адабий алоқалари ҳақида фикр юритар экан, аввало А. Навоий, Бобир, Лутфий каби буюк қалам соҳибларининг номлари қозоқ халқи орасида машҳур бўлиб, уларнинг асарларини қозоқ халқ оқинлари томонидан кенг қўлланганлиги таъкидланади. «Шарқ хазинаси» номли мақоласида шеърият султонлари Фирдавсий, Низомий, Навоий, Хофиз, Жомий каби улуғ сўз санъаткорлари қозоқ ўлкасида ҳам алоҳида шуҳрат қозониб, уларнинг асарлари қозоқ овулларида кенг тарқалганлиги ҳақида бир қанча мисоллар келтиради. «Шоҳнома», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Юсуф ва Зулайхо», «Рустам», «Искандар» каби асарларнинг қозоққа халқ варнантлари мавжуд эканлигини кўрсатиб ўтади.

Адабиётшунос Р. Бердибоев ўзининг Амударё оҳанглари номли мақоласида қардош қорақалпоқ адабиётига мурожаат этиб, у адабиётнинг буюк намоёндаси Бердақ ва Жиен Жиров ижодий фаолиятига алоҳида тўхталади. Унда Жиен Жировнинг «Қирқ қиз», Бердақнинг «Ахмоқ подшо» каби достонлари таҳлил этиб, у асарлар ҳақиқий халқчил эканлиги қизиқарли мисоллар билан тасвирланади.

«Дўстлик кемасида» асарнинг муаллифи СССР халқлари адабиётини мукаммал ўрганиб, унумли қалам тебратинин натижасида, улар-нинг ўзларига хос миллий хусусиятларини изчиллик билан ўрганиб, тўғри хулосаларга, яхши натижаларга эришган. Асарда халқлар дўстлиги ва биродарлиги улкан қалам соҳиблари ижодлари мисолида ёркин лавҳаларда тараннум этилган.

Қалдибек СЕИДАНОВ.

Умрия ЙЎЛДОШЕВ



Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг секретари Умрия Йўлдошев узоқ давом этган ва оғир касалликдан сўнг 52 ёшида вафот этди.

У. Йўлдошев ўз меҳнат фаолиятини 16 ёшида ўқитувчиликдан бошлади. Узоқ муддат ўқитувчи, илмий бўлим мудири ва мактаб директори бўлиб ишлаб, ёш авлодни тарбиялашга куч ва билимини сарфлади.

1953 йилда У. Йўлдошев Ўрта Чирчиқ районидаги 1-МТС партия ташкилотига секретарь қилиб сайланди. Кейинроқ у Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг ташкилий-партиявий бўлими мудири, Ўрта Чирчиқ район ишлаб чиқариш партия комитети секретарининг ўринбосари бўлиб ишлади.

У. Йўлдошевнинг ташкилотчилик қобилияти, ажойиб партия ходими сифатидаги фазилатлари 1965 йил Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг секретари қилиб сайланганидан сўнг янада ёркинроқ намоён бўлди. Туганмас ғайрат, одамлар билан ишлай билиш қобилияти, самимийлиги ва камтарлиги коммунистларда ва барча район меҳнаткашлари қалбида унга нисбатан ҳурмат уйғотди. У. Йўлдошев бу масъул вазифада умрининг охиригача ишлаб, ғоявий-тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишда, меҳнаткашларни партия қарорларини амалга оширишга сафарбар этишда кўп ишлар қилди.

Партия ва ҳукуматимиз У. Йўлдошевнинг Ватан олдидаги хизматларини юксак баҳолади. У икки марта «Ҳурмат белгиси» ордени, «Шавкатли меҳнати учун», «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» ва бошқа қатор медаллар билан тақдирланди. Толмас партия ходими, самимий ўртоқ ва ажойиб инсон Умрия Йўлдошевнинг хотираси қалбимизда ҳамиша сақланади.

Бир группа ўртоқлари.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«САНИИРИ» ИХТИСОСЛАШГАН КЎЧМА МЕХНИЗАЦИЯ КОЛОННАСИГА

ғишт терувчилар, бўёқчи-сувоқчилар, бетончилар, дурадгорлар, қурилиш конструкцияларини монтаж қилувчилар

КЕРАК.

Ишга кирганлар ётоқхона билан таъминланади.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕРИ БИРЛАШМАСИГА

қуйидаги мутахассисликлар бўйича бош инженерлар: ишлаб чиқаришни планлаштириш; стандартлаш бўйича инженерлар, химиклар, катта экономистлар ва экономистлар, техник-технолог, нўн хом ашёси механиги, лаборант-химиклар, майдалаш-кунжулаш цехининг катта мастери, нўн ишлаб чиқариш бўйича нормаловчи, катта диспетчер, катта бухгалтер, мездрельщиклар, ошловчилар, вальцовкачилар, прессловчилар

КЕРАК.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — ишга жойлаштириш бўйича марказий ва район пунктлари.

КУНДУЗИ УЧГАН ҚЎРШАПАЛАКЛАР

2. ДЎСТ ДЕСАК, БЎРИ ЭКАН

ШАҲАР прокуратурасининг бош терговчиси И. Б. Хайтенов бошчилик қилаётган оператив-тергов группа аъзолари Крилов уйидан ўғирланган нарсалар рўйхатини қайта-қайта элак-элак қилишарди. Марҳумнинг беваси қимматбаҳо нарсаларнинг қачон ва қаердан олинганлигини эслар, кейин гапириб берарди. Терговчини, айниқса, нодир металлардан ясалган безаклар қизиқтирарди. Зотан улар рўйхатда анча-мунча эди. Аёл бироз ранжиб «Ўғланнинг устига кўйган қилясизми, ҳаммасининг ҳужжати бор, қонуний сотиб олинган», — дер эди. Унинг гаплари тўғрилигини заргарлик дўконларининг васиқалари тасдиқлаб турарди. Шундай бўлса ҳам бир жойда ғалати илмоқ чиқиб қолди: бриллиант кўзли олтин узукни улар қўлдан харид қилишган экан.

— Бизнинг Лесовик деган дўстларимиз бор, — деди аёл, — эри Валерий ГУМда ишлайди. «Ремточмех» комбинатининг ўймакори. Хотини Ирина эса мен билан бир даргохда — музика мактабида меҳнат қилади. Ўзларини жуда яқин тутишади бизларга. Ирочкани мактабга ўзим жойлаганман. Улар тез-тез бизникида меҳмон бўлиб туришади. Бир хил тилла буюмларни мен Валерийга тузатиш учун бериб тураман. Жиноятда уларнинг қўли бор, деб бекор гумонсираяпсиз.

— Қимматбаҳо, нодир нарсаларингиз борлигини таништирганингиздан яна кимлар биларди?.. Тушунинг ахир, ўғрилар уйингизга тасодифан келишмаган. Улар сизда арзигулик зеб-зийнатлар мавжудлигини яхши билишган... Бундан ташқари, сизнинг қачон ишда бўлишингиздан, ўғлингизнинг дарс соатларидан, эрингизнинг ёлғиз қолишлигидан хабар топишган. Демак, кундузи улар учун энг қулай пайт ҳисобланган...

— Сиз айтган даражада фақат Лесовикларгина бохабар эдилар... Наҳотки улар?! — энтикиб кетди Крилова.

— Ҳозирча, бир нима дейиш қийин. Сиздан ягона илтимос. Бу шубҳаларни улар ҳеч ҳам пайқаб қолишмасин. Илло-билло сездирманг, хўпми?!

— Майлингиз.

Терговчи, жиноят-қидирув ходимлари Лесовик устида ишлай бошлашди. Тез орада унинг таржимаи ҳоли ва юриш-туриши ҳақида маълумотлар тўпланди: ўрта техник маълумотга эга, дилкаш, ишчан, харидорлар ҳурматини қозонган.

— Лекин отиб туради, қўпинча ширакайф кўраман, — деди «Ремточмех» раҳбарларидан бири.

Мана, Лесовик билан биринчи учрашув. Терговчи хонасига у босиқ ҳолда кириб келди. Бошқа одам бўлса андак ҳовлиқиб қолармиди?.. У бўлса хотиржам. Демак, милицияга чақирилишини аввалдан билган. Салом-аликдан сўнг гап-гапга уланиб кетди. Йўқ. Бу тергов эмас эди, шунчаки суҳбат гўё... Шундай қилмоқ лозим эди. Акс ҳолда четнаб кетиши мумкин. Иш, оила, маош, ёру-биродарлар ҳақидаги саволларга очилиб-сочилиб жавоб берди... Гоҳо у ҳардам хаёлроқ бўлиб қолади... Нега бундай? Табиий бу ахир. Чунки у милицияга бекорга чақиришмаганини, кейинроқ Криловлар ҳақида саволлар бериб қолишларини ўйлаб, ичидан зил кетяпти... Барибир шошмаслик керак. Асосий савол, узук ҳақидаги гап суҳбатнинг қиёмида берилиши шарт. Ҳозирча, бошқачароқ...

— Сиз ўзингиз, қимматбаҳо, нодир буюмлар олиб сотганмисиз?

— Йўқ.

— Криловларга ўз қийматидан анча туширib сотган бриллиант кўзли олтин узукни қаердан олувдингиз?..

О, шайтон!.. Жавобни аллақачон жуфтлаб қўйган экан-ку. Лесовик елка қисиб, пўнғиллади:

— Бир тушиб қолувдида, тасодифан.

— Қандай тасодифан. Қачон, қаерда, кимдан олдинги-за?

Нима бўлди?! Лесовик ўй суриб қолди. Ахир бу саволларга жавоб бериш осон эмас эди-да. Нима десин, нималар десин?! Алқисса у оғиз жуфтлади:

— Бир танишим пуллаб беришни илтимос қилувди.

— Фамилияси, исми, адреси?

— Вагиф Масталиев... Турар-жойини билмаймай.

Лесовик кейинги гапини маълум мақсадда айтди. Чунки у Масталиевнинг аллақачон номаълум томонларга «қуён» бўлганлигини биларди. Вагиф анойилардан эмас. Думини тутқазиб бўпти... Шу билан Валерий мум тишлаб қолди. Ломмим демасликка аҳд қилди.

ОРАДАН бир неча кун ўтди. Лесовик яна сўроққа чақирилди... Терговчи шу кунлар ичида Лесовикнинг ёмон ишлай бошлаганлигидан, асабийлашаётганлигидан, ича бошлаганлигидан воқиф бўлди. Жиноят-қидирув ходимлари бўлса Вагифнинг кетига тушишди... Тахмин тўғри чиқди. У Тошкентда йўқ эди. Шунингдек унинг катта акаси Нозим ўғирлик қилиб, қўлга тушгани ва қамалиб кетгани ҳам маълум бўлди. Судда у ҳамма ишни бир ўзи бўйнига олган экан.

Энди яна бир нарсани аниқламоқ керак эди... Лесовик Криловнинг зеб-зийнатлари ҳақида яна кимларга гапирган бўлиши мумкин?! Бундай саволга у:

— Ҳеч кимга айтган эмасман, — деб жавоб берди қовоқ — тумшуги осилиб.

— Бекорларни айтибсиз... Кўзингиздан кўриниб турибди. Сиз Криловларникида бот-бот бўб тургансиз. Айрим нарсаларини ремонт қилгансиз. Баъзи хешларингиз сизнинг ишингиз, мижозларингиз билан қизиқсинган бўлиши мумкин.

Лесовик сиртмоқ сиқилиб келаётганини шундоқ сезиб турарди. Ке, мавҳум гап қилади қўяди-да...

— Яна бир йигитга Криловларнинг бой туришини айтгандек бўлувдим.

— Ким у йигит?

— Мен уни яхши билмайман. Исми Нурматлиги эсимда холос. Чилонзорда тураман деганмиди-ей. Аниқ адресини чиндан билмайман. Пивохонада танишувдик. Яқинда уни армияга олиб кетишди.

«Қидирув риштаси узилди!..». Лесовик ўзича шундай қийиб бичди. Тўғрида... Тошкентдай шаҳри азимда бир эмас, минглаб Нурмат бўлса керак.

Аммо, у чучварани хом санаётган эди.

(Давоми бор).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — «Мовақалдироқ» (фильм-спектакль). 14.45 — Социалистик мамлакатлар ҳужжатли фильмлари программаси. 15.35 — С. Залигин. «Шўрхок дарё». 16.30 — «Максимка» (бадиий фильм). 17.45 — «Ёшлар адреслари». 18.30 — СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари. 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Қувноқ ноталар. 19.30 — БАМнинг меҳнат суръати (3-кўрсатув). 20.00 — Фильм-концерт. 20.45 — СССР Конституцияси лойиҳасини мухокама қиламиз. 21.00 — Бизнинг биография — 1961 йил. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Санъат устлари. СССР халқ артисти А. К. Тарасова. 23.35—М. Глинка, А. Даргомижский, П. Чайковский романсларини Карина ва Рузана Лисициянлар ижро этади. 00.05 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.35 — «Бизнинг Чукокка» (телевизион фильм). 12.25 — «Пионер поездлари». 12.55 — И. Крупская номли мактабгача тарбия билим юрти ўқувчиларининг концерти. 13.20 — «Қирқ биринчи» (бадиий фильм). 18.30 — «Қизиқарли учрашувлар». 19.00 — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига. «Ишчилар маҳорати». 19.30 — «Менинг опам» (ҳужжатли фильм). 19.45 — Ахборот. 20.00 — Совет киноси устлари. СССР халқ артисти Л. Орлова. 21.00 — Ахборот. 21.20 — «Операнинг ёш солистлари». 21.50 — Дўстлик боғи (ҳужжатли фильм). 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Бир миллион тонна «қаҳрабо дон» учун! 22.45 — «Хонадон ва унинг соҳиби» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05—Болалар учун фильм. 19.20 — «Чинор» (бадиий фильм, 1-серия). 20.25 — Реклама. 20.35 — Янгиликлар. 20.55 — Фортепьяно куйларидан концерт. 21.25 — «Катта зал ҳақида хотиралар». И. Андроников ҳикоя қилади.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9|VIII да Олтин девор, 10|VIII да Оқшомдан тушгача.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Синдбоднинг олтин саёҳати; Олтин безак (кундуз ва кечқурун).

Синдбоднинг олтин саёҳати; Олтин безак — БИЛИМЛАР УПИ (13, 16, 18.30), ЧАПКА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Номус масаласи — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Балоғатга етмаган ёшлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Синдбоднинг олтин саёҳати; Олтин безак — «ФЕСТИВАЛЬ» (21.15).

Номус масаласи — «ХИВА» (21.15).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р. 14456 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Г. 1679.